

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВА ДИЛАФРУЗ МАХАМАДАЛИЕВНА

**ЎЗБЕК БОЛАЛАРИГА ХОС ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА МАТНЛАРНИНГ
АНТРОПОЦЕНТРИК ТАДҚИҚИ**

(10.00.01 – Ўзбек тили)

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

УДК: 811.512.133`

373.23(043.3)

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc)

Юлдашева Дилафруз Махамадалиевна

Ўзбек болаларига хос оғзаки ва ёзма матнларнинг антропоцентрик
тадкиқи.....3

Yuldasheva Dilafruz Mahamadaliyevna

Anthropocentric study of oral and written texts characteristic of uzbek
children.....33

Юлдашева Дилафруз Махамадалиевна

Антропоцентрическое исследование устных и письменных текстов,
характерных для узбекских детей.....61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....66

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВА ДИЛАФРУЗ МАХАМАДАЛИЕВНА

**ЎЗБЕК БОЛАЛАРИГА ХОС ОҒЗАКИ ВА ЁЗМА МАТНЛАРНИНГ
АНТРОПОЦЕНТРИК ТАДҚИҚИ**

(10.00.01 – Ўзбек тили)

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2022

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.1.DSc/Fil285 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.fdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот – таълим портали www.ziynet.uz матъилига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи

Мамажонов Алижон

филология фанлари доктори, профессор

Расмий ошпононлар:

Усмонова Хуриписа Шараповна

филология фанлари доктори, профессор

Менглиев Бахтиёр Ражабович

филология фанлари доктори, профессор

Худайбергана Дурдона Сидиковна

филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Фарғона университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли илмий кенгашининг «27» сентябре 2022 йил соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: манзил бўйича: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-93; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (186 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: манзил бўйича: (99873) 244-66-02.

Диссертация автореферати 2022 йил «10» «09» кунлари тарқатилди.
(2022 йил «10» «09» даги 56 рақамли реестр баённомаси)



Ш.М.Искандарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф.н., доцент

Н.М.Улуков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида антропоцентрик парадигма тилни очик коммуникацияга асосланган тизим сифатида ўрганишга, уни инсон омили, маданият, ижтимоий муҳит, руҳият каби бошқа тизимлар билан алоқадорликда универсал ҳамда миллий-маданий аспектда таҳлил этишга йўналтирилган таълимотлар ва усуллар мажмуаси сифатида тараққий этмоқда. Шу жиҳатдан, замонавий тилшуносликда лингвокультурология, когнитив тилшунослик, психоллингвистика, этнолингвистика каби соҳаларни бирлаштирувчи антропоцентрик парадигма матн тадқиқи бағишланган изланишлар асосида ривожланиб, болаларга хос нутқий акт кўринишларининг прагматик хусусиятлари, болалар нутқида дейксиснинг ифодаланиши, болаларга оид матнларнинг антропоцентрик талқинига доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунё тилшунослигида маданий турфа хиллик негизида ривожланиб бораётган кишилик жамиятида ўзбек тилининг тараққиёти, тилнинг унинг соҳиби билан бирга ўрганиш ва ўргатиш жараёнига боғлиқлиги аён бўлди. Тилшуносликда статистик тавсифдан динамик таснифга ўтилганлиги ҳамда тилнинг маданиятда ва маданиятнинг тилда зоҳир бўлишини инкор эта олмаганимиздек, болаларнинг миллий дунёқараши ва тафаккурини ривожлантиришда айнан ўзбек болаларига хос матнларни шахс омили нуқтаи назаридан ўрганиш муҳим эканлигини ҳам инкор этолмаймиз. Она тилимизнинг равнақи, замонавий тараққиёт тамойилларига асосланган бугунги тил сиёсати келажак авлоднинг онгу шуурига таъсир этаётган лисоний бирликларнинг матнда ифодаланишига доир янги тадқиқотларни яратиш вазифасини кўяди.

Оламнинг лисоний манзарасини очиб беришга хизмат қиладиган болалар фольклор матни, бадий ҳамда поэтик матнлар, жумладан, онанинг фарзандига айтган биринчи кўшиғи – алла аслида синкретизм ифодаси бўлиб, она алла ёрдамида бола филогенезида «маданий ген»нинг онтогенез трансформациялашувига кўмаклашади ёки топишмоқ матни боланинг оламини сўз ёрдамида идрок этишига, ҳиссий билишдан тафаккур жараёнига чорлайди, тилнинг гностик вазифасини юзага чиқаради. Эртақлар эса халқнинг ментал қиёфасини, тафаккурига сингиб кетган тушунчаларни болаларга хос тарзда ифода этади, болалар ҳикоялари ва шеърларида миллийлик акс этади. Демак, ўзбек болаларига хос оғзаки ва ёзма матнларни антропоцентрик жиҳатдан тадқиқ этиш, шахснинг нутқий фаолияти, руҳияти, ижтимоий ҳолати, ёши, жинси билан боғлиқ тилнинг функционал имкониятларини очиб беришга, антропоцентрик парадигманинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшади. “...Ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш”¹ ҳамда “...она тилимизнинг бойлигини, унга ҳурматимиз ва муҳаббатимизни тилимизни дунёга тараннум этиш билан

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир (Ўзбекистон ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувдаги маъруза) // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 4.08.2027.

кўрсатиш керак”²лиги, бунинг учун ўзбек болаларига хос матнларни ўрганишга эътибор қаратиш бугунги тилшуносликнинг аҳамиятга молик, долзарб вазифаси саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Жаҳоннинг кўплаб илмий муассасаларида матнни антропоцентрик тадқиқ этишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Oxford University, Лидс университети, Ноттингем университети (Англия), Cambridge University, California State University, Texas University, Ohio State University (АҚШ), Америка психологлари ассоциацияси (American Psychological Association) (АҚШ), Vrije Universiteit Amsterdam (Нидерландия), Stroudsburg: Association of Computational Linguistics (Франция), Foreign Languages School, Ludong University (Хитой), New Bulgarian University (Болгария), Э.Лоранд номидаги Будапешт университети (Венгрия), Dublin City University (Ирландия), University

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчилари билан суҳбатидан / <https://sputniknews-uz.com>

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи/ <https://www.disercat.com>, cheloveknauka.com, <https://www.sgu.ru>, www.dslib.net, <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/>, <https://www.mdpi.com>, <https://ru.booksc.xyz/>, <https://www.elsevier.com/open-access/open-access-journals>, https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_open-access_journals, <https://paperity.org/>, <https://doaj.org/>, <https://www.springeropen.com/>, <https://www.openaccessjournals.com/>, <https://authorservices.wiley.com/open-research/open-access/browse-journals.html>, <https://cyberleninka.ru>, <http://philology.snauka.ru>, <https://moluch.ru>, <https://www.academia.edu>, www.philology.ru, <https://periodicos.sbu.unicamp.br>, <https://social.usq.edu.au/uni-lifestyle>, <http://ucrel.lancs.ac.uk/claws/trial.html>, <http://dspace.kpfu.ru/xmlui/handle/net>, http://m.dissforall.com/_catalog/t13/_s, www.prlib.ru/item/, ilingran.ru/scholars/rumy, <https://core.ac.uk>, <http://dereksiz.org/leksiko-seman> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

of Toronto (Канада), Kopenhagen University (Дания), Groningen University, Utrecht University (Нидерландия), Санкт-Петербург университети, Москва давлат университети, Москва лингвистика университети (Россия), Витебск давлат университети (Беларусь), Қозоқ Миллий университети (Қозоғистон)да антропоцентрик йўналишда кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Лингвофольклористика соҳасидаги йирик тадқиқотлар дунёнинг нуфузли марказларида, хусусан, University of California, University of Harvard (АҚШ), Universiteit van Amsterdam (Голландия), Oxford University Language Centre (Буюк Британия), Wszechnica Polska Szkola Wyzszaw Warszawie (Польша), Universitas Tartuensis (Эстония), Москва Семантика мактаби, Санкт-Петербург давлат университети, Воронеж, Курск, Петрозаводск тилшунослик мактаблари, Новосибирск давлат университети (Россия), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА хузуридаги Ўзбек тили, адабиёт ва фольклори илмий-тадқиқот институти, Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети, Қарши давлат университети, Наманган давлат университети, Қорақалпоғистон давлат университетида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда болалар учун яратилган матнларнинг антропоцентрик хусусиятларига оид илмий изланишлардан бир қатор хулосалар, қуйидаги натижалар олинган: болалар фольклорида болалар оламининг лисоний манзараси ифодаланишига асосланиб, уларда аксиологик, когнитив, лингвомаданий хусусиятлар далилланган (Waseda University, Япония); болаларга хос матнларда бола филогенезидаги стереотипларнинг онтогенез трансформациялашувига таъсири ўрганилган (University of Cambridge, University of Oxford), University of Alberta, Канада), Griffith University, (Австралия), Россия давлат педагогика университети, (Россия), мактаб ёшидаги болалар мулоқотининг функционал жиҳатлари, болаларга хос бадиий матнда лисоний шахс, эмотив компетенция, олам лисоний манзарасининг воқеланишига аниқлик киритилган (Волгоград ижтимоий педагогика университети, Россия), болаларга хос неологик дискурс аниқланган (Урал давлат педагогика университети, Россия), болалар учун яратилган матнларнинг ассоциатив-прагматик хусусиятлари ёритилган (Москва давлат университети, Россия), болаларга хос матнларда маданиятлараро коммуникациянинг ифодаланиши масалаларига эътибор қаратилган (Л.Н.Гумилёв номидаги Еврооёсиё университети, Қозоғистон), кичик ёшдаги мактаб болаларида “соғлом тил туйғуси, нозик сўз сезгиси”ни изоҳли луғат ёрдамида шакллантириш масаласи ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида муайян ечимини топган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё тилшунослигида болалар учун яратилган матнлар тилшунос олимлар учун тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. К.А.Фролов, Е.Л.Липихина, Т.В.Ковалева, Т.А.Ашихмина,

И.П.Амзаракова⁴ лар болалар учун яратилган бадиий матнлар тадқиқига эътибор қаратган бўлса, Е.В.Полеваина болалар бадиий асарлари иллюстрацияларини илмий жиҳатдан асослаб берган.⁵ Шунингдек, болалар нутқининг прагматик-дискурсив хусусиятларини аниқлашда, далил, мисол учун бадиий матнлардан фойдаланилган ҳамда Е.Белоглазова⁶, О.Л.Строгонова⁷ ларнинг тадқиқотларида бу каби манбаларнинг дискурсив-прагматик ҳамда лисоний репрезентатив хусусиятлари очиб берилган⁸. Ўзбек тилшунослигида болалар нутқининг прагматик⁹, лисоний ва социопсихоллингвистик жиҳатлари¹⁰ монографик аспектда ўрганилган.

Лингвофольклористика соҳасида эса дастлабки илмий-назарий қарашлар Г.С.Виноградов, О.И.Капица, Г.П.Аникин, М.Н.Мельников, Ф.С.Капица, С.М.Лойтер, О.В.Слонларнинг тадқиқотларида ёритилиб, А.П.Евгеньева, И.А.Оссовецкий, А.Т.Хроленко¹¹ тадқиқотларида такомиллаштирилган. Ўзбек тилшунослигида лингвофольклористик соҳадаги илмий изланишлар Ш.Шоабдурахманов¹² дан бошланган бўлиб, кейинги йилларда

⁴ Фролов К.А. Языковая специфика текстов художественной прозы для детей/ <http://www.dslib.net/jazykoznanie/jazykovaja-specifika-tekstov-hudozhestvennoj-prozy-dlja-detej.html>; Липихина Е.Л. Структура и функции поэтонимов в художественных текстах для детей: на материале произведений; А.М. Волкова, Н.Н.Носова, С.Я.Маршака, К.И.Чуковского / <http://www.dslib.net/russkij-jazyk/struktura-i-funkcii-pojetonimov-V-hudozhestvennyh-tekstah-dlja-detej-na-materiale.html>; Ашихмина Т.А. Структурно-семантические и функциональные характеристики имени ситуативного компонента в конструкциях с прямой речью: На материале художественных текстов для детей; <http://www.dslib.net/russkij-jazyk/strukturno-semanticheskie-i-funkcionalnye-harakteristiki-imeni-situativnogo.html>; Амзаракова И.П. Языковой мир немецкого ребенка младшего школьного возраста; <http://www.dslib.net/germanskie-jazyki/jazykovo-mir-nemeckogo-rebenka-mladshego-shkolnogo-vozrasta.html>.

⁵ Полеваина Е.В. Иллюстрация детской книги как источник и средство эстетического развития младших школьников - читателей детских библиотек. <http://www.dslib.net/dokument-informacia/illjustracija-detskoj-knigi-kak-istochnik-i-sredstvo-jesteticheskogo-razvitiya-mladshih.html>.

⁶ Белоглазова Е.В. Дискурсивная гетерогенность литературы для детей: когнитивный и лингвопрагматический аспекты/<http://www.dslib.net/germanskie-jazyki/diskursnaja-geterogennost-literatury-dlja-detej-kognitivnyj-i-lingvo.html>.

⁷ Полеваина Е.В. Иллюстрация детской книги как источник и средство эстетического развития младших школьников – читателей детских библиотек/ <http://www.dslib.net/dokument-informacia/illjustracija-detskoj-knigi-kak-istochnik-i-sredstvo-jesteticheskogo-razvitiya-mladshih.html>.

⁸ Строгонова О.Л. особенности репрезентации языковой личности подростка лингвопрагматический аспект: на материале современных англоязычных учебно-методических комплексов и художественной литературы о подростка/ <http://www.dslib.net/germanskie-jazyki/osobennosti-reprezentacii-jazykovo-lichnosti-podrostka.html>

⁹ Курбонова М.А. Ўзбек болалар нутқининг прагматик хусусиятлари: филол. фан. д-ри ... дисс. автореф./ <https://www.natlib.uz/search/detail/CATTOT000003531358>. Мурожаат санаси: 11.01.2022.

¹⁰ Сайидрахимова Н. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 126 б., Курбонова М. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихоллингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 154 б.

¹¹ Виноградов Г.С. Детский фольклор и быт. – Иркутск, 1925. – 32 с.; Капица О.И. Детский фольклор. – Л.: Прибой, 1928. – 174 с.; Калиш Ф.С., Колядич Т.М. Русский детский фольклор. – М.: Флинта-Наука, 2002. – 74 с.; Аниют В.П. Русские народные пословицы, поговорки, загадки и детский фольклор. – М.: Просвещение, 1957. – 120 с.; Мельников М.Н. Русский детский фольклор. – М.: Просвещение, 1987. – 95 с.; Лойтер С.М. Детский поэтический фольклор Карелии. – Петрозаводск: Изд-во ПетрГУ, 2013. – 174 с.; Слонь О.В. Детский русский фольклор. – Оренбург: ГБУ РЦРО, 2018. – 20 с.; Евгеньева А.П. Введение: Раздел IV / А. П. Евгеньева // Русское народное поэтическое творчество. – М.-Л., 1953; Оссовецкий И.А. Об изучении языка русского фольклора / И. А. Оссовецкий // Вопросы языкознания, 1952. – № 3; Хроленко А.Т. Лингвофольклористика. Листая годы и страницы (монография). – Курск: Курский государственный университет, 2008. – 229 с.

¹² Шоабдурахманов Ш. О художественных средствах языка поэмы «Равшан»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1949. – 22 б.; Ўринбоева Д.Б. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Самарканд, 2019. – 44 б.

Ш.Н.Абдиназимов, Г.У.Жуманазарова, Д.Б.Ўринбоева, Д.А.Ашуров, Д.Турдалиева¹³ каби олимлар мазкур йўналишнинг юксалишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Дунё тилшунослигида XX асрнинг иккинчи ярмидан асослана бошланган антропоцентрик (коммуникатив ёки номинатив-прагматик) парадигма, ўзбек тилшунослигида матннинг лингвопоэтик, прагматик, деривацион, коммуникатив, психолингвистик ва лингвокультурологик хусусиятларига қаратилган тадқиқотлар негизида ривожланди. Жумладан, А.Нурмонов, Э.Бегматов, Н.Маҳмудов, С.М.Мўминов, Ш.Искандарова, Б.Р.Менглиев, Ш.Сафаров, Д.С.Худойберганова, А.Мамажонов, М.Ҳ.Ҳақимов, А.Маматов, Г.Насруллаева¹⁴ каби тилшуносларнинг илмий изланишларида ўз аксини топди. Лекин ўзбек тилшунослигида болаларга хос оғзаки ва ёзма матнлар шу вақтга қадар антропоцентрик парадигма нуқтаи назаридан монографик аспектда тадқиқ қилинган эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги
Тадқиқот Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек болаларига хос оғзаки ва ёзма матн турлари ва унинг мазмуний перцепциясида болаларга мансуб лисоний олам манзарасининг ифодаланиши, аллаларнинг лингвофольклористик хусусиятларини аниқлаш, ўзбек болаларига хос матнларни антропоцентрик тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Юқорида белгиланган мақсадга кўра, тадқиқот ишида қуйидаги илмий вазифалар қўйилди: ўзбек тилида болалар учун мўлжалланган оғзаки ва ёзма матнлар яратилиши, уларнинг мазмуний перцепциясига хос хусусиятларни когнитив-семантик, психолингвистик ва лингвокультурологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш;

лингвофольклористика йўналишининг антропоцентрик парадигма таркибида ўрганиш заруриятини алла матни мисолида далиллаш;

ўзбек тилида болаларга хос оғзаки ва ёзма матнлар яратилишида когнитив тузилмаларнинг ўрни масаласини ёритиш;

¹³ Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси (лексик-семантик, лингвостилистик ва лингвостатистик таҳлил): Филол. фан. д-ри (DSc) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 76 б.; Абдиназимов Ш.Н. Лингвофольклористика. – Нукус: Билим, 2018. – 177 с.; Ўринбоева Д.Б. Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – 74 б.; Ашуров Д.А. «Алпомиш» дostonининг лингвокультурологик хусусиятлари: Филол. фан. бўй. фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Қарши, 2018. – 51б., Турдалиева Д.С. Ўзбек халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. Автореф. – Қарши, 2019. – 51 б.

¹⁴ Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида. – Андижон, 1980; Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Тошкент, 1989; Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2017; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006; Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2015; Насруллаева Г. Антропоцентрик метафоранинг лингвомаданий, коммуникатив, прагматик аспекти: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. – Қарши, 2018.

ўзбек тилида болаларга хос ёзма матнларнинг яратилиш мезонларини ишлаб чиқиш;

топишмоқлар интерпретациясини тадқиқ этиш;

ўзбек тилида болаларга хос матнларнинг креоллашув даражасини аниқлаш;

ўзбек тилидаги болаларга хос ёзма матнлар мисолида матннинг психолингвистик хусусиятларини таҳлил қилиш;

ассоциатив тафаккур матннинг семантик тузилиши билан алоқадор жиҳатларини ўрганиш;

ўзбек тилида болаларга хос матнларда миллийликнинг ифодаланиши, прецедент бирликлар, реалия ва аллюзив номларнинг қўлланилишини мисоллар орқали далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек болалар фольклори, болалар шеърляти, ҳикоя матнлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини ҳозирги ўзбек тилида болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларнинг когнитив-семантик, психолингвистик ҳамда лингвокультурологик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни тадқиқ этишда таснифлаш, тавсифлаш, компонент таҳлил, дифференциал-семантик, қиёслаш ва дистрбутив таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тилшуносликда матннинг пропозитив тузилиши муайян бир шахсга, хусусан, болаларга хосланиши, болалар бадий адабиёти ҳамда фольклори намуналари, жумладан, матндаги эвристик салоҳият, аксиологик қийматга эга бўлган этнографик контекст сифатида оналарнинг фарзандига айтган дастлабки қўшиғи – алла синкретизм ифодаси бўлиб, унинг сўз билан ҳимоялаш, овутиш, тавсифлаш каби эпистемиологик вазибалари мавжудлиги асосланган;

болаларга хос матнлар болаларнинг ёш хусусияти, матн услуби ва бадиияти, гендер хусусияти, муайян шахсга йўналганлиги ҳамда гностик ҳиссиётлар ифодаси, болалар идрокига мослиги визуал-кўргазмали тамойил асосида матннинг уйғун (креоллашган) шаклга келиши исботланган;

алла матнларида вербал (матн лексикаси ва синтаксиси), эмотив (модаллик ифодасига кўра), мусикий (ижро) кодлардан ташқари, зооморф, флораморф, гастрономик, антропонли, уй-жой қурилиш, кийим - кечак, само жисмлари, топонимик, теонимик вербал маданий кодлар учраши далилланган;

болалар топишмоқлари авваллари табиат ҳодисалари, жонзот ва ўсимликлар ҳақида бўлса, ҳозирда эса нарсалар-предмет, жиҳозларга қаратилганлиги, топишмоқларга модификациялашган шакллар, яъни гипертекстли топишмоқлар, кроссвордларнинг ҳозирги технократик болалар орасида машҳурлиги асосланган;

ўзбек болаларига хос матнлар бадий дискурсда уларнинг дунёқарашига мос тушунча ва тасаввурларнинг гностик ҳиссиётга асосланиши, турли ёш давларида хронологик ёш кўрсаткичидан ташқари боланинг ички оламида, руҳиятида юз берадиган кечинмалар болаларда рефлексия фаолиятини юзага

чиқариши, матндаги интертекстуаллик натижасида аллюзив номларнинг воқеланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларга хос матнларда бадиийлик, ёшга йўналганлик ҳамда тасвирий санъат билан уйғунлашув (креол матн) хусусиятлари мавжудлиги аниқланган;

болаларга хос ёзма матнларни креоллаштириш даражаси юқори даражадаги креоллашув, ўрта даражадаги креоллашув, паст кўрсаткичли креоллашган матнларга ажратиб таснифланган;

ўзбек тилидаги прецедент, реалія ва аллюзив номлар болаларга хос матннинг лингвокультурологик хусусиятлари, болаларнинг кўرғазмали-образли тафаккур тарзи билан алоқадор жиҳатлар аниқланган;

ўзбек тилидаги бадиий матнларда оҳанг ва ассоциатив сўзлар инсоний ҳиссиётларни ифодаловчи актуал тил бирликлари сифатида воқеланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги белгиланган ёндашув асосида муаммонинг аниқ қўйилиши, илмий маълумотларнинг нашр этилган манбалардан олинганлиги, мисоллар билан далилланган хулосаларни амалиётга татбиқ этиш мумкинлиги, мисол учун танланган матнлар ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда танланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертациянинг **илмий аҳамияти** ўзбек тилидаги болаларга хос матнларнинг лингвофольклористик, когнитив-семантик, психолингвистик, лингвокультурологик хусусиятлари антропоцентрик парадигма таркибида ўрганилганлиги, ўзбек болаларига хос матнларнинг яратилиш тамойиллари ишлаб чиқилганлиги, матннинг лингвистик, яъни фонетик-фонологик, лексик-семантик, морфологик, синтактик-услубий хусусиятлари очиб берилганлиги, болаларга хос матнларнинг ифода-мақсадига кўра турлари, матндаги шаклий ўзгариш (уйғун(креол) матн) даражаларининг аниқланганлиги антропоцентрик лингвистика, лингвофольклористика, онтолингвистикага оид билимларни кенгайтиришда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг **амалий аҳамияти** шундаки, аниқланган натижа ва хулосалар матн назарияси ва лингвистикаси, антропоцентрик лингвистика, когнитив лингвистика, лингвопоэтика, лингвокультурология, психолингвистика, лингвофольклористика каби соҳаларда яратиладиган илмий тадқиқотларни мукаммаллаштиришда муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилади ҳамда тадқиқот натижаларидан “Лингвокультурология”, “Лингвофольклористика”га оид дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, 5111800 – мактабгача таълим йўналиши талабаларига яратиладиган “Мактабгача таълимда болалар фольклори” номли электрон дарслик, махсус курс ва тренинглар ташкиллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Олинган илмий натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

тилшуносликда матннинг пропозитив тузилиши муайян бир шахсга, хусусан, болаларга хосланиши, болалар бадиий адабиёти ҳамда фольклори намуналари, жумладан, матндаги эвристик салоҳият, аксиологик қийматга эга

бўлган этнографик контекст сифатида оналарнинг фарзандига айтган биринчи қўшиғи алла – синкретизм ифодаси бўлиб, унинг сўз билан ҳимоялаш, овутиш, тавсифлаш каби эпистемологик вазифалари ҳақидаги назарий хулосалардан «Матн тилшунослиги» номли дарсликни тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғига асосан 237-317 рақамли рухсатнома). Натижада болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларда макропропозиция ходисаси талқинига оид фикр-мулоҳазалар дарслик материалларининг илмий далиллар билан бойишига хизмат қилган;

болаларга хос матнлар уларнинг ёш хусусияти, матн услуби ва бадиияти, гендер хусусияти, муайян шахсга йўналганлиги ҳамда гностик ҳиссиётлар ифодаси, болалар идрокига мослик, визуал-кўргазмали тамойил асосида матннинг уйғун (креол) шаклга келиши билан боғлиқ назарий қарашлардан «Прагмалингвистика асослари» номли дарслик материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғига асосан 418-045 рақамли рухсатнома). Натижада мазкур дарсликнинг «Тилшуносликнинг систем-структур ва антропоцентрик илмий парадигмалари», «Лексопрагматика», «Прагматика, семантика, стилистика» мавзулари назарий жиҳатдан такомиллашган;

алла матнларида вербал (матн лексикаси ва синтаксиси), эмотив (модаллик ифодасига кўра), мусиқий (ижро) кодлардан ташқари, зооморф, флораморф, гастрономик, антропонли, уй-жой қурилиш, кийим- кечак, само жисмлари, топонимик, теономик вербал маданий кодларнинг ифодаланишига доир маълумотлар, диссертация илмий натижалари, ундаги илмий-назарий қарашлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал тадқиқотни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 12 январдаги №17-02/51-сон маълумотномаси). Натижада назарий фикрлар туркий тиллар, хусусан, ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг диахроник ҳамда синхроник аспекти белгилашда, тилларнинг ўрганилиш тарихи ва тараққиёт йўлини ёритишда, мазкур тиллар лексикасининг қадимги туркий тил, эски туркий тил лексикаси билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёсий тадқиқ қилишда асосли ва тизимли хулосалар чиқаришга ёрдам берган;

болалар фольклор матнлари интралингвистик ва экстралингвистик омиллар таъсирида яратилиши, алла матнларида вербал (матн лексикаси ва синтаксиси доирасида); эмотив (модаллик ифодасига кўра); мусиқий (ижро) кодлардан ташқари зооморф, флораморф, гастрономик, антропонли, уй-жой қурилиш, кийим- кечак, само жисмлари, топонимик, теономик кодлар, вербал - маданий кодлар учраши, болалар топишмоқлари аввал табиат ходисалари, жонзот ва ўсимликлар ҳақида бўлса, ҳозирда нарс-предмет, жиҳозларга қаратилганлиги, топишмоқларнинг модификациялашган шакллари, яъни гиперматнли топишмоқлар ҳозирги технократик болалар орасида машҳурлиги масалалари акс эттирилган фикрлардан Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-

тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017 – 2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 10 январдаги №17-01/42-сон маълумотномаси). Натижада Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этишда манбалар қизиқарли маълумотлар билан бойиган, илмий асоси мустаҳкамланган.

Ўзбек болаларига хос матнлар бадиий дискурда улар дунёқарашига мос тушунча ва тасаввурларнинг гностик хиссиётга асосланиши, турли ёш давларида хронологик ёш кўрсаткичидан ташқари, боланинг ички оламида, руҳиятида юз берадиган кечинмалар болаларда рефлексия фаолиятини юзага чиқариши, матндаги интертекстуаллик натижасида аллюзив номларнинг воқеланишига доир назарий маълумотлардан Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг «Қадрият», «Маънавият сарчашмаси», «Зиё сари», «Замондош», «Адабий муҳит» кўрсатувлари ҳамда «Маънавият – қалб кўзгуси», «Зиё масканларида» номли радиоэшиттиришлари дастурлари сценарийларини тайёрлашда диссертациядан амалий фойдаланилган. Натижада мазкур кўрсатув ва эшиттиришлар юртдошларимиз, хусусан, ёш авлодни халқимизнинг буюк илмий ва маънавий меросига ҳурмат, она тилимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга, болаларнинг ахлоқ-одоби, тарбияси, муайян касб-хунарга ўргатиш, ўз-ўзини англашга доир жиҳатларни назарий маълумотлар асосида ёритиб беришга эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17 та, жумладан, 13 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида, шунингдек, кафедранинг илмий семинарларида муҳокама қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни 36 та илмий мақола ва тезислар, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та, жумладан, хорижий журналларда 5 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт асосий боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 215 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга

жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг **“Болалар учун яратилган матнлар лингвистик тадқиқот объекти сифатида”** деб номланган биринчи бобида жаҳон тилшунослигида матн назарияси ва лингвистикаси ҳамда болалар нутқи, улар учун яратилган матнлар тадқиқи асосида доир тараққий этаётган янгича илмий-назарий қарашлар умумлаштирилиб, уларга муносабат билдирилган ҳамда тилшунослик ва фольклористика интеграллашуви ҳосиласи бўлган лингвофольклористика йўналишининг ўрганиш объекти сифатида алла ва топишмоқ матнлари таҳлил қилинган. Шунингдек, тилшуносликда антропоцентрик парадигманинг серкирралиги, олам лисоний манзарасида тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатига доир фикрлар баён этилган.

Мазкур бобнинг биринчи бўлими **“Матн тадқиқига антропоцентрик ёндашув”** деб номланиб, унда матн тилшунослигининг вужудга келиши, унинг тараққиёти, соҳа мутахассисларининг матн назариясига доир қарашлари баён қилинган ҳамда матн лингвистикасида антропоцентрик ёндашувнинг мақсад-вазифалари, тамойиллари ёритилган.

Матн тушунчасининг изоҳланиши, “Матн – кўп жиҳатли, мураккаб тузилишга эга бўлган қурилма, шунинг учун ҳам уни таснифлашда унга хос бўлган семиотик, коммуникатив, номинатив хусусиятларни эътиборга олиш талаб қилинади”¹⁵, дейилган фикрга уйғун ҳолда, болалар учун яратилган матнлар оғзаки ва ёзма шаклларга ажратилди. Тилшуносликда матннинг оғзаки ва ёзма ҳолатда бўлиши ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Матнни фақат ёзма бўлишини таъкидлаган рус тилшунослари Л.М.Лосева, И.Р.Галперин¹⁶ матннинг формал-грамматик, шаклий қурилишига эътибор қаратиб, агар оғзаки нутқ товушлар воситасида шаклланса, матн горизонтал ҳаракатга йўналганлиги (линейность), уларга график гавдаланиш характерли эканлиги билан фарқланишини мисол қилиб кўрсатадилар.

Матн оғзаки ва ёзма шаклда бўлишлигини изоҳлаган, матн лингвистикаси бўйича йирик тадқиқотларни амалга оширган иккинчи йўналиш вакиллари – К.Гаузенблас, Г.Михел, Т.М.Николаева, А.Ҳожиев, А.Мамажонов, Р.А.Каримова, С.Муҳамедова, М.Сапарниёзова¹⁷ лар матннинг мураккаб онтологик хусусиятларини инобатга оладилар. Р.А.Каримова¹⁸ ўзининг докторлик диссертациясида матн ёзма ҳолатда эмас, балки оғзаки шаклда ҳам яратилган нутқий асарлиги, бунда матннинг оғзаки кўринишда бўлишлиги

¹⁵Қурбонова М., Йўлдошев М. Матн тилшунослиги. –Тошкент: Университет, 2014.-Б.12.

¹⁶Лосева Л.М. Как строится текст. –М.: Просвещение, 1980; Галперин И.Р.Текст как объект лингвистического исследования. – М.: Комкнига, 2007. – 144 с.

¹⁷ Гаузенблас К.О характеристике и классификации речевых произведений / Новое в зарубежной лингвистике. Вып.8. Лингвистика текста. – М.: Прогресс, 1978. – С. 63-64; Михел Г. Основы теории стиля / Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 9. Лингвостилистика. – М.: Прогресс, 1979. – С. 271; Николаева Т.М. Текст / Русский язык. Энциклопедия. – М.: Сов. энциклопедия, 1979. – С.348; Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б.88; Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Тошкент, 1989. – Б.8; Ўринбоев В., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий матннинг лингвистик таҳлили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б.8; Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.5.

¹⁸ Каримова Р.А. Семантико-структурная организация текста (на материале устных спонтанных и письменных текстов): Автореф.дисс ... д-ра филол.наук. – М., 1992. – С. 6-27.

матннинг генетик асоси эканлигини мисоллар орқали изоҳлайди ҳамда **оғзаки – спонтан матн** ва **ёзма матн**нинг умумий хусусиятларини кўрсатиб беради. О.В.Долгова¹⁹ ҳам матннинг оғзаки ва ёзма турга ажратилишини **ички нутқ**нинг мавжудлиги билан изоҳлайди. Чунки киши ёзма матнни ўқиганда унинг **ички нутқи** ҳаракатланади, матн ўқиш жараёнидагина идрок этилади. Олимнинг таъкидлашича, оғзаки ва ёзма матнларда бирдек ички нутқ намоён бўлади. Ҳозирда тил илмида оғзаки матнга муқобил равишда **дискурс** атамаси ҳам қўлланилмоқда. Мазкур атама илк даврданоқ гапдан каттароқ бирликка, яъни матнга нисбатан қўлланилиб, ўтган асрнинг 50-йилларида америкалик тилшунос З.Харрис²⁰ томонидан фанга олиб кирилди. Француз олими Э.Бенвенист²¹ ҳам дискурсни оғзаки матнга нисбатан қўллайди. Г.К.Одилова²² формал дискурсининг оғзаки ва ёзма матнда воқеланишини глуттоник коммуникация мисолида ўрганиб, дискурс (франц.discourse; ингл.discourse; лот.discursus` орқа-олдига югурмоқ; айланма - такрорланувчи ҳаракат; суҳбат; нутқ) – экстралингвистик-прагматик, ижтимоий-маданий, психологик ва бошқа омиллар билан бойитилган изчил ва воқелик билан боғлиқ матн; мақсадли ижтимоий ҳаракат сифатида, одамларнинг ўзаро таъсири ва уларнинг онг механизмлари (когнитив жараёнлар)нинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган ва “ҳаётга чўмган нутқ” сифатида баҳолайди. Чиндан ҳам, дискурс оғзаки ва ёзма матнга нисбатан мураккаб тузилма. Б.Р.Менглиев²³ таъбири билан айтганда, “матн+нолисоний омиллар=дискурс”ни ҳосил қилади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, матн атамаси талқинида икки хил қараш мавжуд: биринчи йўналиш олимлари матнни фақат ёзма бўлишини таъкидлайдилар; иккинчи йўналишда эса матн ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклда яратилиши қайд этилади.

Биз ҳам ўз тадқиқотимизни иккинчи йўналиш нуқтаи назаридан олиб бордик, яъни оғзаки матн сифатида болалар фольклорига, ёзма матн сифатида эса муаллифи аниқ бўлган матнга эътиборни қаратдик.

Болаларга хос матнлар қуйидаги тамойилларга кўра яратилади:

1. Матнда ёш тамойили. Болаларга хос матнлар яратилаётганда, унинг ёш хусусиятлари инобатга олинади.

2. Матнда гностик ҳиссиётлар ифодаси тамойили. Болаларга хос матнлар қизиқарли бўлиши керак. Болалар ҳаётида гностик (билишга доир) ҳиссиётлар етакчилик қилади. Шу боис болаларга хос оғзаки ва ёзма матнларда ахборотни узатиш вазифаси устуворлигини сезиш мумкин.

3. Матннинг болалар идрокига мослик тамойили. Болалар учун яратилган матнлар уларнинг лисоний олам манзарасига мос бўлиши зарур. Матндаги лингвомаданий ва этномиллий жиҳатлар халқнинг концептосферасидан, яъни миллий оламнинг лисоний манзарасидан хабар

¹⁹ Долгова О.В. Синтаксис как наука о построение песни. – М.: Высшая школа, 1980. – С.40-41.

²⁰ Harris Z.S. Discourse Analysis // Language, 1952. – № 8. – P.1-30.

²¹ Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М.: Прогресс, 1974. – 293 с.

²² Одилова Г.К. Глуттоник дискурс асослари. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2020. – Б.7.

²³ Менглиев Б.Р. Тилда имконият ва воқелик муштараклиги // “Маърифат” газетаси, 8.05.2013.

беради. Болаларга хос матнларда ҳам миллийлик ифодаси уларнинг идрокига мос ҳолда лисоний бирликлар орқали ифодаланади.

4. Матннинг визуал-кўргазмали тамойили. Болаларга хос матнлар уйғун (креоллашган) матн тарзида яратилади. Чунки бола сезгилар ёрдамида оламни ўрганади, улар кўргазмали ҳамда образли тафаккурлайди. Шу боис болалар учун яратилган матнлар жозибадор, рангин ва турли шаклларда бўлиши зарур. Аксарият болаларга хос матнда тасвирий санъат билан уйғун(креол)лашув, яъни матнда болалар тасаввурига хос визуал имкониятлар намоён бўлади.

Болаларга хос матнларнинг қуйидаги лингвистик хусусиятларини белгилаш мумкин:

1. Фонетик-фонологик хусусиятлар. Болаларга хос поэтик матнларда экспрессив-эмоционаликни вужудга келтириш учун аллитерация(ундошлар такрори), ассонанс (унлилар такрори), геминация (ундошларнинг қаватланиши), насрий матнда сўзларни нотўғри талаффуз қилиш ва бошқа фонетик усуллардан фойдаланилади.

2. Лексик-семантик хусусиятлар.

Болаларга хос матнларда сўзнинг шакл ва маъно муносабати, сўзнинг маъно тараққиёти билан боғлиқ маънодошлик, шаклдошлик, кўп маънолиликини аниқлаш матннинг лексик-семантик хусусиятларини белгилайди.

3. Морфологик хусусиятлар. Болаларга хос айрим матнлар овутомчок, эркалатмаларда айнан матннинг морфологик хусусиятлари намоён бўлади.

4. Синтактик-услубий хусусиятлар. Болаларга хос матнларнинг яна бир жиҳати, уларнинг синтактик-услубий хусусиятлари орқали юзага чиқади.(1-илова) Мазкур масала тадқиқотда топишмоқнинг синтактик-услубий хусусиятлари мисолида ёритилди.

“Алла матнларининг лингвофольклористик хусусиятлари” деб номланган тадқиқотнинг иккинчи бўлимида болалар фольклори матнлари болалар оламининг лисоний манзарасини очиб бериши ҳамда лингвофольклористика тилшунослик ва фольклорнинг кесишувида ҳосил бўлган синтетик йўналиш эканлиги алла матни мисолида таҳлил этилди. Жумладан, оналарнинг фарзандини сўз билан ҳимоялаши, овутиш мақсади матндаги синкретизм ифодаси бўлиб, алла матнидаги анафора, баъзида сўзларнинг кетма-кет қўлланилиши, мазмун ва оҳангга оид ички яхлитлик, ҳиссий таъсир юқори бўлган оналар матнининг яратилишига хизмат қилади.

“Лингвофольклористика” термини тилшуносликка биринчи маротаба А.Т.Хроленко²⁴нинг илмий тадқиқотлари орқали кириб келди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам фольклорнинг турли жанрлари лингвофольклористик аспектда ўрганилди. Масалан, дostonлар Ш.Шоабдурахмонов, Р.Расулов, С.Йўлдошев, С.Турсунов, И.Ёрматова, З.Холманова, А.Раҳимов, О.Ингён, Г.Жуманазарова, Б.Юнусова²⁵; мақоллар

²⁴ Хроленко А.Т. Введение в лингвофольклористику. – М.: Флинта, 2010. – С.192.

²⁵ Шоабдурахмонов Ш. «Равшан» дostonининг бадий тили ҳақида: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 1949. – Б.20; Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане «Алпамыш»: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Ташкент, 1975. – С.19; Юлдашева С. Поэтика узбекского народного героического

Х.Абдурахмонов, М.Садриддинова, Б.Соатов, Б.Жўраева²⁶, топишмоқлар Ж.Абдуллаев, М.Саитбоева, М.Сапарниёзова²⁷, қўшиқлар Р.Анорбоев, Ф.Ҳайитова, М.Жуманиёзова, М.Якуббекова²⁸ лар томонидан тадқиқ этилди. Ш.Н.Абдиназимов²⁹ “Лингвофольклористика” ўқув қўлланмасини яратиб, қорақалпоқ фольклорининг фонетик, лексик хусусиятларини ёритди ҳамда Қорақалпоқ давлат университети магистратура бўлимининг лингвистика (қорақалпоқ тили) ихтисослигида “Лингвофольклористика” фанининг ўқитилишига асос солди.

Лингвофольклористика йўналиши антропоцентрик парадигма таркибида ўрганилганда қуйидаги масалалар ўз ечимини топади:

1. Фольклор оламнинг миллий-лисоний манзарасини ифодалаб, унда инсон омилининг ўрни, *лисоний шахс* аниқланади.

2. Фольклор матнларининг прагматик хусусиятлари, коннотациялари оидинлаштирилади.

3. Фольклорнинг билиш жараёнига боғлиқлиги, тафаккурга оид, ментал хусусиятлари тадқиқ этилади.

4. Халқларда фольклорнинг вужудга келиш сабаблари ўрганилади.

Лингвофольклористикада болаларга хос миллий-маданий прототип лисоний шахс намоён бўлади. Чунки тилни инсон омили негизида ўрганиш орқали фольклор матнларида уйғунлик, ҳиссий хайрихоҳлик, адресатга толерант муносабат вужудга келади.

эпоса «Алпамыш»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – С.20; Турсунов С. Лексические особенности дастана «Алпамыш»: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Ташкент, 1990. – С.19; Ёрматова И. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси поэтикаси: Филол. фан. д-ри дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – Б.25; Холманова З. «Шайбонийхон» достони лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 26 б.; Рахимов А. Ўзбек халқ достонлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002. – Б.27; Мамадиев Ш. Ўзбек халқ достонлари тилида стилистик фигуралар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2007. – Б.26; Ингёнг О. «Алпомиш» ва «Жумўнг» достонларининг қиёсий-типологик таҳлили: ДД. – Тошкент, 2014. – Б.25; Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – Б.75; Юнусов Б. “Алпомиш” достони ономастик бирликларининг лексик-семантик ва услубий тадқиқи: Филол. фан. б.ф.д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – Б.75.

²⁶ Абдурахмонов Х. Синтаксические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1964. – С.33; Садриддинова М. Лексика узбекских пословиц и поговорок: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – С. 20; Соатов Б. Жанровая специфика и поэтические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1990. – С.20; Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002. – Б.23.

²⁷ Абдуллаев Ж. Ўзбек халқ топишмоқларининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – Б.20; Саитбоева М. Именное сказуемое в узбекских народных загадках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1984. – С.20; Сапарниёзова М. Ўзбек халқ топишмоқларининг синтактик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – Б.24.

²⁸ Анорбоев Р. Ўзбек халқ қўшиқларидаги шахсиз гапларнинг баъзи структура хусусиятлари // ТошДПИ илмий асарлари. – Тошкент, 1972. – Б.182-191; Ҳайитова Ф. Никоҳ тўйи қўшиқларининг лисоний талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – Б.24; Жуманиёзова М. Хоразм халқ қўшиқлари лексикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – Б.24; Якуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – Б.50.

²⁹ Абдиназимов Ш.Н. Лингвофольклористика. – Нукус: Билим, 2018. – 177 с.

Алла матнининг лингвофольклористик хусусиятларини ўрганган Д.М.Мухамедиева³⁰ Тюмень вилоятидаги рус, татар, украин, козок, ненец анъанавий аллаларининг коммуникатив жиҳатларини ҳамда 157 та алла матнининг концептуал таҳлили орқали унинг прагматик хусусиятларини, этник ва социал стереотипларни аниқлаган.

В.В.Запорожец³¹ оналар алласи (баюкальные песни) фақатгина маиший турмушда овутиш мақсадида пайдо бўлибгина қолмай, славян мифологиясининг диний-фалсафий жиҳатларини намоён этадиган, болани кун чиқиш ва кун ботиш пайтида қўзғаладиган ёвуз куч ва руҳлар тажоввузидан ҳимоялаш, асраш каби магик қарашларни намоён қилишини таъкидлаган бўлса, В.В.Головин³², Г.М.Науменко³³, И.И.Чумак-Жунь, М.И.Саенко³⁴ алланинг дискурсив хусусиятларига оид илмий изланишларни олиб борган. Тадқиқотимизда 170 та алла матнини таҳлилга тортдик.

Оламнинг миллий-лисоний манзараси – концептосферасида алла концептини ядро (2-илова) деб олсак, унинг сиртида куйидаги коннотациялар мавжуд:

1. Алла матни – она мусиқаси, уйғунлик ифодаси.
2. Алла айтиш жараёни боланинг кун тартиби учун биологик соатни созлаш вақти.
3. Алла матни ишонтириш (суггестия) кучли нутқий таъсир кўриниши.
4. Алла матнида сеҳрлаш, “ёвуз кучлардан ҳимоялаш”, онанинг дуо усули, магияси ифодаланади.
5. Алла матни – боланинг онг остига вербал таъсири.

Таъкидлаш жоизки, концепт ядроси муайян бир лексеманинг изоҳли луғатлар орқали англашиладиган туб маъноси ҳисобланади. Концепт ядросининг сирти эса айнан шу ядронинг атрофида, миллат маданияти ва субъектив тажрибаси натижасида онгда ҳосил бўладиган прагматив ассоциатив тушунчалар ва коннотациялар³⁵ ҳисобланади.

АЛЛА матни ифода мақсади ва мазмунига кўра (3-илова)				
Тасвирий (дейскрип тив)	Ҳикоя (нарратив)	Изоҳ мазмунли (аргументли)	Дидактик (экспликатив)	Ҳиссий ифода мазмунли (экспрессив)

³⁰ Мухамедова Д.М. Коммуникативное пространство традиционной колыбельной песни (на материале русских, татарских, украинских, казахских и ненецких колыбельных песен Тюменской области): Дисс. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2006.

³¹ Запорожец В.В. Символика колыбельных песен // Сборник научных статей по итогам работы международного научного форума наука и инновации современные концепции. – Москва, 2019. – С.58.

³² Головин В.В. Русская колыбельная песня в фольклоре и литературе. – Турку: Abo.Akad.Univ. Press., 2000.

³³ Науменко Г.М. Этнография детства: сборник фольклорных и этнографических материалов. – М.: Белый город. Воскресный день, 2013. – 314 с.

³⁴ Чумак-Жунь, Саенко М.И. Прагматико-педагогический потенциал коммуникативного пространства народной колыбельного пространства народной колыбельной песни // Учённые записки Казанского университета. Серия гуманитарные науки. Вып., 2021. – № 1. – С.109-118.

³⁵ Фрумкина Р.М., Звонкин А.К., Ларичев О.И., Касевич В.Б. Представление знаний как проблема // Вопросы языкознания. – М., 1990. – №6. – С.45-91.

Ўрганилган 170 та алла матнидан			
166 таси ухлатиш мақсадида айтилади		4 таси йиғи, марсия алласи саналади.	
Алла матнини яратувчи она – лисоний шахс			
инерцион (интуитив) ички барқарор руҳий ҳолат	дистанцияли мурожаат	мобиллик (мослашувчан)лик	синергетик (хаос) ҳолатини вужудга келтиради.

Р.Ширинова ³⁶ докторлик диссертациясида реалиялар, фразеологик бирликлар, мақол ва маталларни олам миллий-лисоний манзараси (ОМЛМ) нинг лисоний таркиби сифатида белгилайди. Мазкур ОМЛМнинг лисоний таркибига алла, топишмоқ, эртақларни ҳам киритиш мумкин, чунки фольклор матнлари концептосферанинг этномаданий белгисини ифодалайди.

Ўзбек тилшунос олимлари Н.Махмудов, Д.Худойберганава, Г.Жуманазарова, М.Йўлдошев, Л.Ф.Усмонов тилнинг лисоний бирликлари муайян миллатнинг қадриятли-эстетик воқелигини ифодалаши, бу унинг ўзига хос ўхшатишлари орқали намоён бўлишини таъкидлайдилар. Ўхшатиш ёрдамида алла матнларининг қуйидаги вербал-маданий кодлар (3-илова) ажратилиб, мисоллар билан изоҳланди:

1. Зооморф.
2. Флораморф.
3. Гастрономик.
4. Антропонли.
5. Уй-жой қурилиш.
6. Кийим-кечак.
7. Само жисмлари.
8. Теонимик. (4-илова)

Ҳар бир халқнинг ўзига хос маданиятини ифодаловчи, халқнинг ижтимоий-маданий ҳаётидаги анимистик, фетишистик, тотемистик дунёқараши натижасида ҳосил бўлган маданий кодлар матнларда метафора ҳамда ўхшатишлар воситасида намоён бўлади. Онг универсалиялари, ички форма, маданий коннотация тарзида баҳоланадиган метафоралар алла матнидаги маданий кодларнинг катта қисмини ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, Аристотель давридан бошлаб, лисоний ҳодиса – кўчим турларидан бири сифатида қараладиган метафора бугун филологик чегарадан ўтиб, антропология, психология ва фалсафа каби соҳаларга ҳам кириб келди ва оламни англаш, идрок этиш усули сифатида, эпистемик (гносеологик) мақомга эга бўлди.

³⁶ Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасининг бадий таржимада қайта яратилиши: Филол. фан. д-ри ... дисс.автореф. – Тошкент, 2017. – Б.15.

Ишнинг иккинчи боби **“Болаларга мўлжалланган матнларнинг когнитив-семантик хусусиятлари”** деб номланиб, унда болалар табиатидаги қизиқувчанлик ва дунёқарашига мос бўлган матнларнинг лингвокогнитив талқини – болаларда оламни билишга интилиш юқорилиги, болалар олами лисоний манзарасида концептуал сферани ҳосил қилувчи ахборот ва билимларнинг болалар фикрлаш қобилиятини ҳамда воқеликка эстетик муносабатини ифодалаши когнитив ёндашув асосида аниқланди.

Бобнинг **“Уйғун (креоллашган) матнлар ва эртакларнинг когнитив-семантик хусусиятлари”** деб номланган бўлимида эртак матни болаларнинг олам ҳақидаги тасаввурини кенгайтирувчи, дунёқараши, тафаккурини ривожлантирувчи, билиш жараёнига ёрдам берадиган матнлардан бири эканлиги таъкидланди. Шунингдек, эртакларнинг хайвонлар ҳақидаги, сеҳрли ва маъжозий турларга бўлиниши когнитив ахборотни қай тарзда болага етказиш, маълумотни қандай узатиш режалаштирилаётганидан далолат беради. Адабий эртакларда муайян когнитив дастур мавжудлиги, эртактан олинадиган хулоса, ғоя макропропозицияни ҳосил қилиши, эртакларнинг когнитив дастури сўзловчи (муаллиф) – матн – тингловчи (рецепиент) муносабатида яратилади. Болалар матн идрокидан аввал китобга чизилган тасвири яхшироқ англайди, китобдаги суратга қараб матндаги воқеликни теранроқ ҳис этади. Боланинг эҳтиёжи кўпроқ визуал санъатларга қаратилган бўлади. Ҳар қандай сўзловчи, муаллиф, ижодкор “талаб ва таклиф”га кўра ўз “истеъмол” чисининг хоҳиш-истаклари инобатга олган ҳолда матн яратади. Демак, болаларга мўлжалланган матнларнинг муайян ёшга йўналганлиги, тасвирий санъат билан ўзаро синтезга киришиши, уйғун(креоллашган) матнга айланиши, аввало, муайян эҳтиёж юзасидандир. Тилшуносликда сиёсий, публицистик, бадий ва бошқа турли дискурсларда уйғун(креоллашган) матн тадқиқига бағишланган илмий изланишлар мавжуд. Жумладан, Е.Е.Анисимова, М.А.Бойко, Л.С.Большаянова, Е.В.Войткевич, М.Б.Ворошилова, Дубовицкая³⁷, Д.Худойберганава³⁸лар визуал имкониятлари кенг бўлган креоллашган матн юзасидан тадқиқотлар олиб бориб, муайян илмий натижаларга эришдилар.

Тадқиқотимизда “Билимдон”, “Ғунча” каби республика болалар журналлари ҳамда “Гулғунча”, “Алифбо”, “Ўқиш китоб”ларидаги уйғун (креол) лашган матнлар таҳлил қилиниб, уларда уйғунлашувнинг уч хил усули аниқланди ва бундай матнларда бола бир вақтнинг ўзида ҳам ифодавий, ҳам тасвирий санъат намунасидан баҳра олиши, матннинг эмоционал-экспрессив таъсири янада

³⁷ Анисимова Е.Е. Лингвистика текста и межкультурная коммуникация (на материале креолизованных текстов): учеб. пособие для студ. фак. иностр. яз. вузов. – М.: Academia, 2003. – 128 с.; Бойко М.А. Функциональный анализ средств создания образа страны (на материале немецких политических креолизованных текстов): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 2006; Большаянова Л.С. Вербальное сопровождение фотоизображения в современной британской прессе: Содержание и структура: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1986; Войткевич Е.В. Смыслообразующая роль визуальной обложки в структуре рок-альбома // Русская рок-поэзия: текст и контекст: Сборник научных трудов – Тверь: Твер. гос. ун-т, 2001. – Вып.5. – 308 с.; Ворошилова М.Б. Креолизованный текст: аспекты изучения // Политическая лингвистика. – Выпуск (1) 21. – Екатеринбург, 2007. – С.75-80; Дубовицкая Л.В. Феномен креолизованного текста (на материале креолизованных текстов письменной коммуникации): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2013.

³⁸ Худойберганава Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013; Ўзбек тилидаги матнларнинг антропоцентрик тадқиқи: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2015.

кучайганлиги далилланди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирда нашр этилаётган манзарали (панорама) китобчаларда уйғунлашган (креол) матн мультикодли ахборотни ифодаласа, болаларнинг майда қўл моторикасини ривожлантиришга, ўйин фаолиятига йўналтирилган дарчали китобчаларда гетероген ахборотни юзага чиқаради. Болаларни дастлабки меҳнат кўникмасига тайёрлайдиган боғичли китобларда эса уйғунлашган (креол) матнлар амалий, тасвирий ва сўз санъати синтези феномени мультисемиотикликни (5-илова) ифодалайди.

Абдурахмон Акбар ³⁹ нинг “Рақамли шеърлар” туркумидаги “*Туш*”, “*Орзули дунё*”, “*Олтиной*”, “*Ковушининг дегани*”, “*Мингоёқнинг хўтиikka дегани*”, “*Кўнғизвойнинг қувончи*” шеърлари, Дилшод Ражаб ⁴⁰ нинг “*Мусаввирнинг шеърлари*” туркумидаги геометрик шеърлари болаларни шаклий изланишларга чорлайдиган, уларга эстетик завқ берадиган уйғун матннинг кўриниши сифатида таҳлил қилинди.

Бобнинг иккинчи бўлими “**Топишмоқ матнининг концептуал таҳлили**” деб номланади. Бунда анъанавий топишмоқлар болалар дунёқараши ва оламни идрок этишига мос тарзда қуйидагича табдилланиши мисолларда изоҳланди:

1. Реалияларнинг болаларга тушунарли тарзда ўзгариши натижасида интерпретация ҳосил бўлган.

Қора ҳўкизнинг путини Қизил ҳўкиз ялайди (Жавоби: қозон, олов)
топишмоғи қайта тузилиб, *Қора сизир қараб турар, Сарик сизир ялаб турар* тарзида болалар учун тушунарли ҳолатга келтирилган. Бунда *пути* сўзи *қараб турар* феъли билан алмаштирилган.

2. Анъанавий топишмоқ матнининг синтактик тузилиши ёки лексикасида ўзгариш юз берган. *Ҳамма кишини кўрганда лабини қўпай (Пиёла)* топишмоғи *Ҳамманинг қўлида, лабин қуйдирар* тарзида болалар учун мослаштирилган. Матнда *ўпмоқ* феъли *қуймоқ* феъли билан алмаштирилган. Чунки бола *пиёлада* чой ичганида лабини кўп қуйдиргани ёдида қолган.

3. Болаларга хос топишмоқ матни аниқ ритмга, силлабик шеърий тузилмага эга бўлади.

Қуш эмас, қаноти бор.

Чиройли савлати бор,

Учса лочин етолмас,

Толмас зўр қуввати бор. (Самолёт)

Таъкидлаш жоизки, топишмоқлар интерпретациясида (6-илова), болаларга хос талқинда анъанавий топишмоқлардаги воқелик ҳамда матн жозибадорлигига путур етиши мумкин. Зеро, анъанавий топишмоқлар асрлар силсиласидан ўтган қадриятдир. Масалан: *Бир қозондан қирқ туя сув ичади. (Чучвара)* мазкур анъанавий топишмоқдаги ўзига хос метафора ва ажойиб тасвир кишини лол қолдиради ва бетакрор қиёс халқ заковатидан дарак беради. Шунингдек, топишмоқларнинг модификацияланган шакллари, яъни гиперматнли топишмоқлар, кроссвордлар ҳозирги технократик болалар орасида машхур.

³⁹ Абдурахмон Акбар. Уйқучининг тушлари. Шеърий тўплам. – Тошкент: Шарқ, 2006.

⁴⁰ Дилшод Ражаб. Таниш товушлар. – Тошкент: Зарқалам, 2006. –Б.11.

Бугунги кунда топишмоқлар болалар учун ментал курилма, оламини англаш механизмидаги лисоний зарурият сифатида қаралмоқда. Чунки топишмоқлар болаларни мушоҳадага чорлайди, идрокини, зеҳнини ўстиради, тарбиявий-эстетик аҳамиятга эга бўлади. Болалар учун яратилган топишмоқларда энигматлар (яширинган сўз) турлича бўлиб, улар табиатдаги нарсабуюм(натурфакт) ҳамда инсон томонидан яратилган жихозлар (артефакт)га ишора қилади.

“Болаларга мўлжалланган матнларда лингвистик гештальт” деб номланган бўлимда гештальт когнитив структуранинг ҳиссий ва рационал воқеликни ўзаро бирлиги ва яхлитлиги асосида жамлайдиган когнитив билим сифатида унинг матн яратилишидаги ўрни изоҳланиб, Н.Норқобиловнинг **“Капалак”**, **“Дўст”** ҳикоялари⁴¹ мисолида таҳлилга тортилди. **“Капалак” ҳикоясида уч воқеликни бирлаштирган гештальт матн яхлитлигини таъминлайди. Биринчи воқелик:** табиатга ошно бўлган, “шамол турганда ғумайлар кўшиқ айтиб, отқулоқнинг чапак чалишини” эшитган Нусрат исмли боланинг ҳис-ҳаяжони; **иккинчи воқелик:** боладаги беғуборликни менсимаган шаҳарлик Хайдаралининг капалакни янчиб ташлаш ҳолати; **учинчи воқелик** Махсум бобо эътирози лингвистик гештальт асосида ҳиссий-мазмуний яхлит ҳолда матннинг идрок этилишига эришилади. Таҳлиллар гештальтни тафаккурда тўпланаётган ва сақланаётган ахборот қисмларини сақловчи **“қутича”лар**⁴² эканлиги, гештальт идрокдаги **“яқинлик”**, **“ёпиқлик”**, **“давомийлик”** тамойиллари асосида шаклланадиган лисоний, мантиқий, перцептуал(идрокий) яхлит когнитив тузилма сифатида намоён этган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбек тилидаги болаларга хос матнларнинг психолингвистик хусусиятлари”** деб номланган. Матн муаллифнинг ижтимоий руҳий ҳолатини, ботиний ва зоҳирий ўй-хаёллари ва чексиз мавжланаётган ҳис-туйғуларини ифодалашнинг энг сермахсул ва самарали усули саналади. Айнан матн орқали бадийлик ифодаланиб, тингловчининг руҳий оламига таъсир кўрсатиши, уни кулдириб, йиғлатиб, киши билмас ҳолда бошқариши мумкин. Немис тилшунослари В.фон Гумбольт⁴³ ва шогирди Г.Штейнталь, 1946 йилда инглиз олими Н.Пронко⁴⁴, кейинчалик А.А. Леонтьев⁴⁵, Ш.Балли, Г.Апресян, Э.Сепир, Д.Ширрин, Ф.Шуман⁴⁶, М.Ҳакимов, С.Қурбонова, М.А.Қурбонова⁴⁷, Ш.Алпанова⁴⁸,

⁴¹ Норқобилов Н. Зангори кўл. Ҳикоялар тўплами. – Тошкент: Юлдузча, 1987. – Б.89.

⁴² Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – Б.33.

⁴³ Humboldt W. Uber Kawi-Sprache auf der Insel Jawa, Bd. I. Berlin, 1936; Sreinthal H. Abriss der Sprachwissenschaft. – Berlin, 1864.

⁴⁴ Pronko N/H. Language and Psycholinguistics // Psychological Bulletin, 1946. – P. 189-239.

⁴⁵ Леонтьев А.А. Психолингвистика. – Л.: Наука, 1967.

⁴⁶ Балли Ш. Язык и жизнь. – М.: Стереотип, 2018. – 230 с.; Апресян Р. Г. Понятие общественной морали (опыт концептуализации) // Вопросы философии. – 2006. – №. 5. – С.3-17; Сепир Э. Коммуникация // Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс, 1993. – 656 с.; Леонтьев А.А. Психолингвистика. – Л.: Наука, 1967.

⁴⁷ Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 49 б.; Ҳакимов М. Ўзбек прагматингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 172 б.; Қурбонова М. Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2009. – 154 б.

И.Азимова, С.Боймирзаева, Д.Худойбергеновалар томонидан психолингвистика йўналишида илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Мазкур бобнинг **“Ҳикоя матнларида болаларга хос эмоционал муносабатнинг ифодаланиши”** деб аталган бўлимида болалар ҳикояларига мурожаат қилиниб, уларнинг ўзига хос ташвишлари, катталар олами билан боғлиқ жиҳатлар, болаларга хос эмоциялар, қизиқарли таассуротлар ёритилиши таъкидланди. Болаларнинг эмоционал мулоқотга ташналиги, уларнинг оламини ўзига хос тарзда, жўшқин ҳиссиёт ва ҳаяжонлар билан идрок этишида кўринади. Бола ҳиссиётларига таяниб фаоллашади, маълумот қидиради, дуч келган ҳар бир нарсанинг аҳамиятини билишга интилади, янги нарса ва ҳодисаларга қандай муносабатда бўлиш кераклигини аниқлашни хоҳлайди. Айни шу вазиятни ҳикояларда акс эттира олган ёзувчи бадиий матнни бола томонидан идрок этилишига эришади, яъни матн яратувчининг мақсади тил бирликлари ортида яширинган психологик ҳолатларни матннинг лингвистик хусусиятлари билан уйғунликда ифодаланишида кўринади. Ҳикоя матнларидаги болаларга хос руҳий ҳолат ифодаси, К.Д.Ушинский таъбири⁴⁹ билан айтганда, “қалбни тарбиялайди, ақлни тарбиялайди, фикрлар тузишни шакллантиради, бола психик кифасининг энг нозик қирраларига чидам билан ишлов беришга кўмаклашади”.

Мулоқотда эмоцияни юзага чиқарувчи воситалар реципиент ҳолатига кўра белгиланса, матнда ифода воситалари муаллиф мақсадига хизмат қилади. Болалар ҳикояларида эмоционаллик, психология китобларида таъкидланганидай,⁵⁰ аффект (кучли, лекин қисқа муддатли эмоционал реакциялар), ҳиссиёт (узоқ ва турғун эмоционал муносабат), кайфият ва стресс (кучли руҳий зарба) тарзида (6-илова) ифодаланади.

Болаларнинг руҳиятида аффект – қисқа муддатли эмоционал реакция, кучли руҳий зарба – стресс ҳолатига келиши мумкин. Масалан: *Ҳамма қувнаб-қувнаб боради-ю, аммо Алишер негандир онасига тихирлик қилади. Йиглай деса, кўзидан ёш чиқмади. Дам онасининг сумкасига ёпишади, дам онасининг: “Кўй болам” дейишига қарамай, нарса тўла тўрхалтани тортқилайди.*

– *Олма топиб берасиз, олма ейман,- деди у баттар гинишиб.*

– *Хўп ўғлим, уйда бор, ҳозир...-уни овутишга уринди онаси.*

– *Йўқ, ҳозир топиб берасиз. Ана, Юлдуз еб кетяпти-ку!*

Алишер бирдан онасининг оёқларига ёпишди.

Олма ейма..а..н!

Ўтган-кетган болаларнинг қарашларидан жаҳли баттарроқ чиқиб, бақираверди. Онаси бир нарса деганди, ерга ётиб олди.Топ-тоза кўйлаклари тупроққа беланди. (Я.Саъдуллаева. “Йўлда”ҳикояси)

Мисолда боланинг қисқа муддатли эмоционал реакцияси: *тихирлик қилмоқ, сумкасига ёпишмоқ, тортқиламоқ, гинишмоқ* каби ҳолат ифодаловчи

⁴⁸ Алпанова Ш. Нуткий фаолият жараёнидаги руҳий ҳолатларнинг ўзбек тилининг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши: Фалсафа д-ри. ... дисс. (PhD) автореф. – Фарғона, 2018. – 53 б.

⁴⁹ uz.m.wikipedia.org. Мурожаат санаси: 12.02.2021.

⁵⁰ Шербатых Ю.В. Общая психология. – СПб.: Питер, 2008. – 272 с.

феъллар билан ифодаланса; боладаги стресс, кучли рухий зарба: фонацион ифода ёрдамида, яъни овознинг кўтарилиши(бақириши); кинетик ифодани юзага чиқарувчи ҳолатлар, *онасининг оёқларига ётишиши, ерга ётиб олиши* орқали тасвирланган.

Бироқ болаларда муайян ҳиссиёт доимий турғун эмоционал ҳолатни вужудга келтирмайди, яъни болаларда салбий ва ижобий эмоциялар тез-тез алмашилиб туради. Болалар оламни гносеологик жиҳатдан ўзлаштиришга ҳаракат қилади, уларнинг эмоционал мулоқоти ҳам сезги органлари таъсирида воқеланади. Боладаги кўрқув (ёлғиз қолишдан, бирор жонзотдан кўрқиш), оғриқ (лат ейиш, йиқилиш) натижасида нисбатан салбий-эмоционал муносабат вужудга келади ва бу ҳолатлар ҳикоя матнида акс этади. Масалан: *Райҳон ёнғоқни чақиб еди-да, пўчогини оёқ остига ташлади. Акаси Бахтиёр чопиб чиққан эди, у ёнғоқ пўчогини босиб олди, пўчоқ оёғига кириб қонатди. Бахтиёр йиғлади. Бахтиёрга қўшилиб Райҳон ҳам йиғлади. Чунки у акасининг оёғи оғриётганига раҳми келиб кетди. Унга ёрдам бергиси келар эди-ю, лекин қўлидан келмас эди.* (А.Ирисов. “Билмай қолиб”). Мазкур ҳикоя муаллифи сезги органлари фаолиятини тасвирлаш орқали реципиентга хос хусусиятларни ёдга солади ва матннинг тўла қонли и드로кига эришади.

Таъкидлаш жоизки, ҳиссиётнинг гностик тури, яъни янги ахборотни билиш натижасида қониқиш ҳиссини туйиш болалар феноменидаги характерли хусусиятларидан бири саналади. Фикримизни қуйидаги ҳикоя матни орқали изоҳлаш мумкин:

Кунлар ёз фасли ўриндигинда ҳар ерда сувлар қурурмиш. Бечора қарга сув йўқлигидан ниҳоятда сувсамиш эди. Тиллари осилиб, ҳар тарафдан сув ахтармоқда экан, бировнинг олдинда тургон кўзасини кўриб, ёнига келуб боқса ичинда сув бор. Лекин бўйнини суқуб ичай деса, бўйи етмайди. Бир оз ўйлади-да, тумшуги ила тошларни йиғуб, кўзанинг ичига ташлай бошлади. Оз вақт ичида кўзанинг остиндаги сув устига чиқуб, тоша бошлади. Ақлли Қарга сувдан ичиб, таиналик балосидан қутилиб учиб кетди. (А.Авлоний “Ақлли қарга”)

Мазкур ҳикоя матнида қарғанинг топқирлиги гностик маълумот саналади. Гностик ҳиссиётлар доимо янгиликни, янги ахборотни талаб этади⁵¹. Айниқса, оламни идрок эта бошлаган боланинг янгиликни ҳис этиш, ундан ажабланиш, ҳайратланиш туйғусига мос келадиган ҳикоя матнлари болалар томонидан тез идрок этилади.

Келтирилган ҳикоя матнидан кўринадики, гностик ҳиссиёт номаълум, яширин объектнинг моҳиятини англаш орқали маълум, таниш объектга хос белгиларни излаб топиш, кашф этишни тақозо этади. Гностик ҳиссиёт билиш жараёнининг кузатувчанлик босқичидаёқ пайдо бўлади.

⁵¹ Жмуров В.А. <https://www.gastroscan.ru/literature/authors/detail.php?AUTHOR=11354>. Мурожаат санаси: 12.01.2022.

Бобнинг “�збек болалар поэтик матнларининг ассоциатив майдони” номли бўлимида тилшуносликда бадий матн ассоциатив майдон⁵² сифатида ўрганилиб, унинг сарлавҳасини майдон ядроси деб қараш шаклланганлиги, сарлавҳасиз шеърларда эса ядро лирик қаҳрамон эканлиги таъкидланган. Ассоциатив майдон ядросиз мавжуд бўлмаслиги, чунки шеърдаги барча лексемалар ядро билан ассоциацияланиши муҳим эканлиги, поэтик матн бирликлари ядро атрофида бирикиши назариясидан келиб чиқиб, ўзбек болалари учун яратилган “Мактаб” сарлавҳали шеърлар таҳлил қилинди.

*Мактаб берур Қуръон сиза,
Мактаб берур иймон сиза
Мактаб берур ҳурон сиза,
Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!
Мактабдадур **илму** камол,
Мактабдадур ҳусну жамол,
Мактабдадур миллий ҳаёл,
Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!* (А.Авлоний “Мактаб” шеъри)

***Илм** –жаннат эшиги,
Хазинанинг тешиги,
Инсонни олим қилган
Мактаб эрур бешиги.* (Х.Ҳ.Ниёзий)
*Дунёда энг севган жойинг
Қаер? – деди.
Дедим: – Мактаб.
Сабабин айт, –деди, дедим:
–Ўргатади **илму** адаб.
Ота-онам севса мени
Қўзичоғим, қувончим, деб.
Ўқитувчим севар мени
Ўқувчим ҳам аълочим, деб.* (Қ.Муҳаммадий, “Мактаб”)

Келтирилган мисоллар, поэтик матнларда ассоциация ядроси *мактаб* эканлигини, улар лексик ва синтактик бирликлар билан ассоциацияга киришишини намоён қилади, мазкур матнлар учун таянч бирлик **илм** лексемасидир. Демак, поэтик матннинг ифода объекти, сарлавҳаси ассоциатив майдон ядроси вазифасини бажаради, негаки матн мазмунини ҳосил қилувчи унинг пропозитив структурасини шакллантирувчи таянч бирикмалар нутқ эгасининг коммуникатив мақсади билан боғлиқ тарзда матн учун танланган объект тасвири, тавсифи учун йўналтирилади. Шу боис матнни ҳосил қилувчи таянч бирликлар унинг ядроси атрофида бирлашади.

Юқорида турли давр адибларининг болалар учун яратган шеърларида, мактаб ҳақидаги когнитив билим болани идрок эта олиш имконияти даражасида, руҳиятига таъсир кўрсатиб, мактабда чуқур илм олишга руҳий

⁵² Мартинович Г.А. Вербальные ассоциации в ассоциативном эксперименте. – СПб, 1997; Лутфуллаева Д.Э. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Meriyyus, 2017. – Б.139; Худойберганаева Д. Ўзбек тилидаги матнларнинг антропоцентриқ тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2015.

даъват қилинган. Агар Н.О.Золотова⁵³ нинг фикрича, ассоциатив майдон ядросига мансуб юқори частотали бирликлар 6 ёшли бола луғат бойлигидан ўрин олиб улгурган бўлса, боланинг лисоний хотираси ва тафаккур фаолияти механизмини ассоциатив тажриба методи ёрдамида ўрганиш имконияти мавжуддир.

Д.Лутфуллаева⁵⁴ ассоциацияларни психологик ва лингвистик ассоциацияларга ажратади, яъни инсон онгида ҳосил бўлган бир-бирини эслатувчи психик тасаввур, ғоялар психологик ассоциация саналади, лингвистик ассоциация(вербал ассоциация)лар ҳам тил эгасининг воқелик ҳақидаги психологик тасаввури асосида юзага келади, аммо бу тасаввур тилда бири-бири билан муайян белгисига кўра алоқада бўлган аниқ лисоний бирликлар орқали реаллашади. Айтиш мумкинки, куз сўзи бизнинг тасаввуримизда бир қанча тушунчаларни пайдо қилиб, ҳар бир шахснинг хотирасини ўзгача жонлантиради. Масалан, Анвар Обиджоннинг “Куз” шеърида қуйидаги ассоциацияларни кўришимиз мумкин:

*Дастурхонга файз кирар ўлкамизда куз бўлиб,
Ҳамма тенгдан кавшанар, мевалар “уз-уз” бўлиб.
Энди ёнғоқ қоқиб ер ишибилармон Ҳаккалар,
Шарбат ташир анордан Арилар гиз-гиз бўлиб.
Ётар семиз ошқовоқ баргларида елпиниб,
Тилла рангли беҳиой боқар кулчаюз бўлиб.
Тарвузлар тарс ёрилди, талашиб ер Чумчуқлар,
Пишиди анжир қанд мисол, шўртас олма-туз бўлиб.
Ҳатто Кучук сакраниб тотиб кўрар узумдан,
Сўритокда ҳусайни товланар юлдуз бўлиб.
Чечак сўлди, Булбулжон, тўзар энди атиргул
Кейин пахта очилгай куз бобога қиз бўлиб.*

Шеъринг матнида куз лексемаси, матн учун стимул сўз, унинг ассоциатлари сифатида мевалардан анор, беҳи, анжир, узум, олма, ёнғоқ; полиз экинларидан ошқовоқ, тарвуз ҳамда пахта берилган. Шу ўринда айтиш жоизки, куз стимул сўзи эшитилиши ёки ўқилиши билан хотирада бошқа бирликларнинг ёдга тушишига ёрдам беради.

Ишнинг тўртинчи боби **“Ўзбек тилидаги болаларга хос матнларнинг лингвокультурологик хусусиятлари”** деб номланган бўлиб, унда лингвомаданий жиҳатдан муайян бир тил бирликларини ўрганиш айтиш билан шу халқнинг миллий қиёфасини акс эттирадиган маданиятга, тил бирликлари орқали лисоний ва концептуал олам манзарасини кашф этишга эришиш масаласи XX асрнинг 90-йилларида В.фон Гумбольт, Э.Сепир, Б.Л.Уорф, Й.Л.Вайсгербер, А.Вежбицкая, Ю.С.Степанов, В.В.Воробьев, В.И.Карасик сингари олимларнинг ғоялари орқали шаклланган лингвокультурология масалалари доирасида ёритилди. Мазкур соҳа тараққиётига ўзбек

⁵³ Золотова Н.О. Картина мира и ядро лексики носители английского языка // Проблемы семантики: психолингвистические исследования. – Тверь, 1991. – С.42-43.

⁵⁴ Лутфуллаева Д.Э. Ассоциатив тилшунослик назарияси. – Тошкент: Meriyus, 2017. – Б.139.

тилшунослигида А.Нурмонов, Н.Махмудов, С.М.Мўминов, Ш.Сафаров, Д.С.Худойбергана, Б.Р.Менглиев, М.Х.Ҳақимов, И.А.Азимова, А.Маматов, А.Раҳимов, Ш.Т.Махмараимова, Ш.Усмоновалар муносиб ҳисса қўшган.

Ҳар бир халқ тили ўзи учун азиз, ноёб феномен, чунки у миллатнинг қадрияти ва маданиятини сўзлата олади. Халқ тилининг маънавий меросхўри бўлган болалар тили, улар учун яратилаётган матнларда тараққий этади. Шу боис ўзбек тилида болаларга хос матнлар коммуникатив-амалий ҳамда қадриятли-рамзий хусусиятга эга.

*Дадажоним,
Дадажон,
Отим нега
Отажон?
Ахир кимга
“Ота”ман?
Шуни ўйла-а-аб
Ётаман. (А.Обиджон “Синчков бола”)*

Шеърда боланинг отага мурожаати, боланинг “муаммо”ли саволи поэтик матннинг мазмунан коммуникатив-амалий табиатини белгилайди.

Маълумки, “лингвокультурология антропоцентрик парадигманинг маҳсули”⁵⁵ дир, шунинг учун маданиятнинг қадриятли-рамзий табиати болаларга хос матнларда ўз лисоний ифодасини топади.

*Кўп жийирма
Бурнингни
Қумгон олмас*

Ўрнингни. (А.Обиджон “Чойнакка ёзилган шеър”). Шеърда қумгон сўзи ўчоқ, қора қумгон лексик ассоциацияларини ёдга солиб, поэтик матнда камтаринлик, хокисорлик каби қадриятли-рамзий ифода тарзида қўлланилган.

Бобнинг **“Ўзбек тилидаги болаларга хос матнларда миллийликнинг ифодаланиши”** номли 1-бўлимида лингвомаданий бирлик сифатида миллийликни акс эттирувчи реалия ҳақида маълумот берилган.

Реалия – муайян халқнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, миллий турмуш тарзига оид атама, лексемалар бўлиб, унинг бошқа тилларда муқобили учрамайди. Биз тадқиқотимизда инсоннинг болалик даври билан боғлиқ миллийлик ифодаларини қуйидаги гуруҳларга ажратиб кўрсатишни лозим топдик:

1.Таом номларини ифодаловчи этнонимлар: *лойхўрлик, гулитахўрлик* қадимда “боши қоронғи” бўлган аёлларнинг этномаданий ҳаётига дахлдор воқелик бўлиб, ҳозирда мавжуд эмас. К.Махмудов таъкидлаганидек, келинлар бирга қуруқ, чорси, дўппи тикиб, гулитахўрлик қилишган.

Ўтмишда гилбутани хомиладор аёлларга ва бир икки яшар болаларга суяги қотиши ва тишини мустаҳкамлаш мақсадида берилган. К.Махмудов мазкур одат ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Гилбута аслида денгиз балчиғидир. “Гил” – лой, “бута” – ўсимлик маъносида. Эҳтимол қандайдир ўсимликдан ажралган

⁵⁵ Махмараимова Ш.Т. Лингвокультурология. – Тошкент: Чўлпон, 2017. – Б.19.

органик моддалар лой билан бирикиб, уни егулик қилиб қўяр, бироқ бу масала ҳанузгача тўла ўрганилмаган.”⁵⁶

К.Маҳмудов таъкидлаганидек, гулбута ейишга сабаб ҳомиланинг ривожланиши ва туғилган боланинг ўсиши учун аъзоларга фосфор, калий, магний каби маъданли моддаларнинг тузлари зарур бўлади. Ҳозирда унинг ўрнини кальций гуликанати таблеткалари эгаллаган. Шу боис лойхўрлик, гулитахўрлик удуми ҳам йўқолиб бормоқда. Мазкур аёллар ҳаётига дахлдор реалія “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га киритилмаган.

“*Туғуноши*”, “*Чучвара тугар*” удумлари қуйидагича тартибда ўтказилган, яъни оғироёқ хотиннинг осон кўзи ёриши учун унга атаб ош тайёрланган, айрим жойларда эса чучвара тайёрланиб, туғилган жойи узилган-да, кейин истеъмол қилинган. “*Кулча юмалади*”, “*сочқи сочди*” реалиялари Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларида учрайди, болалар илдам юриб кетиши учун кулча тарқатилади, водийда ширинлик сочилади, оқ пахта боланинг оёғи остидан юмалатилади. Юқоридаги глуттоник удумлар халқ томонидан яратилган бўлиб, яхши ният рамзи саналган. Уларни болалар билан боғлиқ реалиялар сифатида баҳолаш мумкин.

2. Болалик даврига оид маросим номлари: *ақиқа, бешиккеча, чиллагузаранг, чиллақочди, бешик тўйи*. Мазкур маросимлар болалар ҳаётига дахлдор бўлиб, ақиқа боланинг етти кунлик, ўн тўрт кунлик ёки йигирма бир кунлигида ўтказиладиган маросим ҳисобланади. *Бешиккеча ва бешик тўйлари* боланинг бешикка белаш маросимлари бўлса, *чиллагузаранг, чиллақочди* онанинг жисмоний ҳолатини яхшилашга қаратилган урф-одатлар саналади.

3. Болалар ўйинлари: *сабзи-сабзи, қуёним-қуёним, тўптош, ҳаммомпиш, ланка, беркинмачоқ*. Таъкидлаш жоизки, *тўптош, ҳаммомпиш* ўйинлари болаларнинг майда қўл моторикасини ривожлантиришга хизмат қилса, *ланка, беркинмачоқ* боланинг қадди-қоматини шакллантириши, таянч ҳаракатланиш системасининг ривожланишига ёрдам беради.

4. Болалар буюмлари: *бешик, сумак, гувара, беланчак (алвонжин)*. Мазкур анжомлар болалик даври билан боғлиқ буюмлар саналади.

Юқорида белгиланган сўзлар реалія ҳисобланиб, улар ўзбек халқининг турмуш тарзи ва эътиқодий қарашларига оид номлар, турмуш тарзида кенг қўлланиладиган, нарса-предмет, воқеа-ҳодисалар, ҳолат, нарса-буюм номларидир.

Реалиялар миллий тилнинг лексик тизимида маданиятнинг вербал воситаларини ифодалаш усули бўлиб, улар миллий колоритни, халқ ҳаёти, турмуши, маданияти, ижтимоий ва тарихий ривожланишини юзага чиқаради. Халқимизнинг фарзанд туғилиши ва бола тарбияси билан боғлиқ эътиқодий қарашлари, маросим ва унда ижро этиладиган поэтик матнларида айтим-олқишлар жанр сифатида ўзининг тарихий илдизлари, трансформация ҳолатлари билан реалияларни вужудга келтирган.

⁵⁶ Маҳмудов К. Қизиқарли пазандалик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 224 бет

Бобнинг 2-бўлимида “Ўзбек тилидаги болаларга хос матнларда аллюзив номлар” берилган. Прецедент номларнинг функционал турларидан бири бўлган аллюзив номлар бадииятда услубий фигура сифатида қаралса, лингвокультурологияда улар икки маданий – семиотик майдонни ўзаро туташтирувчи восита сифатида эътироф этилади. Бунда қуйидаги икки жиҳат эътиборга олинмоғи лозим: а) аллюзив номларнинг адабий маълумотга ишора қилиши ва б) уларнинг турли ижтимоий-тарихий воқеликка ишора қилинишидир”.⁵⁷

Аллюзив номлар халқ тарихидан бохабарликни, шунингдек, унинг ривожланиш тараққиётидаги маълум воқеликларга ишора қилиши билан ажралиб туради. Бундай номлар қатнашган матнни тушуниш учун билим ва муайян воқеликдан хабардор бўлиш зарур.

Масалан, тадқиқотимизнинг биринчи бобида изоҳланган С.Барноев тандир воқелиги билан боғлиқ ҳикояда тўхталганмиз, унда урушга кетган *отани* соғинган болага бувиси ҳар куни *тандир*нинг олдига келиб, *отасини* чақиришни ўргатади. Ана шу тариқа болага янги эрмак топилади.

Ҳикояда тингловчини бир савол ўйлантиради: буви нега бошқа буюм олдига эмас, болани айнан тандир олдига бошлайди? Мурғак қалб изтирови ва соғинч тафтини ёзувчи нега тандир орқали ечгандай бўлади? Нега шу ўринда *тандир* масаланинг ечимига айланади? Бу саволларга жавоб С.Барноев ҳикоясида эмас. Ечим бошқа матнда. Эмишки, “Қиёмат бошланганда Исрофил алайҳиссаломнинг сури чалиниб, барча бандалар унинг ортидан эргашар, ҳатто қабрда ётган ўликлар ҳам тирилиб, аршга чиқиб борар экан. Аллоҳнинг буйруғи ила ердаги жами мавжуд бинолар йиқилиб, тупроққа қоришаркан. Не ҳолки, фақат тандиргина йиқилмай турар экан. Шунда Аллоҳдан ваҳий келиб, бунинг сабабини сўраса: – Бекам узоқ йиллар менинг тафтимга бағри куйиб, эри ва болалари учун ризқ пиширди. Бекамнинг гуноҳларидан кечсанг йиқиламан, – дея жавоб берар экан тандир. “Тандир” сўзининг маъноси ҳам аслида “тана” “дир”, яъни: бекасининг гуноҳлари учун танадир, тарзида талқин этилган...

Мазкур ривоят ҳикоя матни учун аллюзив факт ҳисобланади. Айни шу ривоятдан хабардор ўқувчи ҳикоя матнида буви нима учун набирасини айнан тандир олдига бошлаганини тушунади. Ҳикояда буви эмас, бобо бўлганда болани тандир билан эмас, уни бошқа нарса билан овутган бўлар эди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, тандир ўзбек аёлининг ассоциатив майдонига тегишли, у ўзбек аёли ва она қиёфасини гавдалантирадиган восита. Айни шу маълумот қуйидаги шеър учун аллюзив маълумот(факт) саналади:

Кулчалар
Хамир қориб, эрталаб
Тандирга ўтин қалаб,
Кулча ёнди бувимиз,

⁵⁷ Нахимова Е.А. Прецедентные имена в массовой коммуникации // www.philology.ru/linguistic32/nakhimova-07a.htm.

*Ёрдам бериб турдик биз.
Хуштаъм экан жудаям,
Едик тўғраб сутошга.
Бувим ёнган кулчалар
Ўхшар жажжи қуёшга!*

Кўринадики, аллюзив номлар матнлар қиёсида воқеланади.

Хулоса

1. Болаларга хос оғзаки ва ёзма матн таҳлилига антропоцентрик нуқтаи назардан ёндашилганда, уни шахс омили билан боғлаб тадқиқ этиш, асосан, когнитив, психолингвистик ва лингвокультурологик аспектда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Когнитив жиҳатдан матн ментал тузилманинг тилдаги трансформацияси бўлиб, бутундан қисмга қараб ҳаракатланувчи яхлит тузилманинг вербал кўринишидир. Когнитив ёндашув матн яратилишини “муаллиф – матн – матндан ташқаридаги воқелик” тамойили асосида таҳлил қилинишини тақозо этади.

2. Насрий матннинг идроки ва ҳаракати китобхон, ўқувчи зиммасига ўтади, матн мазмуни ва прагматик мақсади реципиент томонидан идрок этилади, тасаввур ҳосил қилинади. Болалар учун мўлжалланган шеърий матнда эса тасвир ҳамда воқелик шоирнинг ички ҳис-туйғулари орқали тасвирланади ва матн идрокига таъсир кўрсатади.

3. Лингвофольклористика манбалари антропоцентрик ёндашув асосида таҳлил қилинганда болаларга хос матнлар болалар оламининг лисоний манзарасини очиб беришга хизмат қилади. Жумладан, оналарнинг фарзандига айтган биринчи қўшиғи синкретизм ифодаси, гўёки фарзандини сўз билан ҳимоялаши, овутиши алла матнларининг болагагина ҳослигини таъминлайди ҳамда этнография, халқ педагогикаси, психолингвистика билан боғлиқ жиҳатларни намоён қилади. Онанинг боласига мурожаати саналган айтимларда, аввало, овутиш, ташхислаш, эпистемологик вазифалар мавжуд.

4. Болаларга хос оғзаки матнларда синкретик қараш матн қисмлари мазмунининг алоҳида-алоҳида эмас, умумий, яхлит тарзда қабул қилинишига олиб келади. Бунда бола онгида матн қисмларининг умумий мазмуни қайта тикланади.

5. Болаларга хос ёзма матнлар болаларнинг ёш хусусияти, шеърий ва насрий асарларнинг бадиияти, гендер хусусияти, муайян шахсга йўналганлиги ҳамда матннинг креоллашуви болаларга ҳосликни ифодаловчи категориялар сифатида қаралади. Болаларга хос ёзма матн воситасида ифодаланган концепт, асосан, индивидуал бадиий концепт сифатида намоён бўлиб, муайян тушунча ҳақидаги тасаввурга мувофиқ келади. Бунда матн макротузилмасида тавсифланаётган концептнинг матн муаллифи учун аҳамиятли бўлган бирор жиҳати ўз ифодасини топади. Матн воситасида ифодаланган концепт, асосан, тавсифий характердаги, шунингдек, шахснинг муайян руҳий ҳолати ифодаланган ва мавжудликни тасдиқлаш мазмунидаги матнларда намоён бўлади.

6. Эртактларнинг макропропозициясида когнитив дастурлаш натижасида куйидаги вазифалар намоён бўлади: ижтимоийлашув, қадриятлар(аксиологик), эврилиш(конпенция), экзистенционал(хиссий жозибадорлик). Эртактаги образлар сўзловчининг лисоний-ментал фаолияти натижасида оламни метофараген англаш ҳодисаси сифатида намоён бўлади. Ўзбек адиблари орасида фольклор намуналарини, асосан эртактларнинг болалар ёши, ривожланиш хусусиятларига мос тарзда қайта ишланиши табдил(интерпретация) ҳодисаси кўплаб учрайди.

7. Болаларга хос ёзма матнларда яхлит тушунча ёки предмет тавсифланган ҳикояларда лингвистик гештальт ҳодисаси амал қилади. Лингвистик гештальт, асосан, шахснинг ички ёки ташқи қиёфасини тасвирлаш, табиат манзараси ёки бирор предметнинг кўринишини ўқувчи тасаввурида жонлантириш мақсадида яратилган матнларда қўлланади. Матн яратилиши жараёнида бола онги ва тафаккурида биринчи навбатда психологик гештальт юзага келади. Бунда бўлажак матн мазмуни вербал боскичга ўтаётган яхлит тузилма сифатида намоён бўлади.

8. Топишмоқлар болалар учун ментал қурилма, оламни англаш механизми, лисоний зарурият сифатида қаралади. Топишмоқнинг икки қисмли тузилмаси (жавоб, ечим, топилма ҳамда кодланган қисми) концептуал ва лисоний олам манзарасини ифодалайди. Кодланган қисм топилмага ишора қилувчи бирикмалар, сўзлар билан ўзаро ассоциатив боғлиқликни ҳосил қилади. Анъанавий топишмоқларнинг болаларга хосланиши куйидагича: реалияларни қайта ишлаш, анъанавий топишмоқ матни лексикаси ва синтаксиси қайта ишланиши ёрдамида, болаларга хос топишмоқ матни аниқ ритмга, силлабик шеърӣ тузилмага эга бўлиши натижасида ҳосил бўлади.

9. Муаллифнинг ички нутқида шаклланган ментал тузилма пропозициялар сифатида трансформа қилинади, мазкур пропозициялар нутқда партонимик муносабатни акс эттирувчи мазмунӣ бирликлар сифатида реаллашади. Гештальт асосидаги матн яратилишида бутундан бўлакка, унинг ҳиссий-мазмунӣ перцепциясида эса бўлакдан – бутунга жараёни амал қилади.

10. Психолингвистик нуқтаи назардан, матн индивиднинг нутқӣ тафаккури маҳсули, объектив борлиқни тил воситасида акс эттириш қобилияти сифатида намоён бўлади. Бунда матннинг шакли ва мазмуни муайян коммуникатив вазият қатнашчиси – конкрет шахснинг психологик хусусиятлари билан узвийликда таҳлил қилинади.

11. Ўзбек тилидаги болаларга хос оғзаки ва ёзма матнлар таҳлили шуни кўрсатадики, шахснинг руҳӣ ҳолати ифодаланган матнларда муайян тил бирликлари актуаллашади. Бундай бирликлар сирасида оҳанг ва ассоциатив сўзлар энг фаол акцентуал бирликлар сифатида баҳоланади. Ўзбек тилидаги матнларнинг психолингвистик хусусиятларини ўрганишда бу бирликлар муҳим омиллардан биридир.

12. Матнда психологик ҳолатларни ифодалашда ассоциатив сўзлар муҳим ўрин эгаллайди. Бундай сўзлар матнда ўзига хос ассоциатив майдон ҳосил қилиб, матн ўқувчисининг руҳиятида ҳам муайян ҳолатни юзага келтиради.

Матнда қўлланган, психологик жиҳатдан ўзаро алоқадор бўлган сўзлар ҳақидаги образларнинг қайта тикланиши бунинг асосий омилидир. Агар матнда бир ассоциатив майдонга кирувчи сўзлар қўлланган бўлса, улар ўқувчи психикасига янада кучлироқ таъсир этади.

13. Тил соҳиблари лисоний хотирасида мавжуд бўлган прецедент феноменлар тил тизимида ҳам ўзига хос микротизимни юзага келтиради. Прецедент номларнинг функционал турларидан бири бўлган аллюзив номлар бадииятида услубий фигура сифатида қаралса, лингвокультурологияда улар икки маданий – семиотик майдонни ўзаро туташтирувчи восита сифатида эътироф этилади. Болаларга хос матнларда ҳам бир қатор прецедент бирликлар қўлланилиб, маълум бир тарихий воқеликни ифода этади. Аллюзив номлар халқнинг тарихий тараққиётига, маълум воқеликларга ишора қилиши билан ажралиб туради. Бундай номлар қатнашган матнни тушуниш учун муайян билимга эга бўлиш ва воқеликдан хабардорлик талаб этилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREE
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 AT FERGHANA STATE UNIVERSITY**

FERGHANA STATE UNIVERSITY

YULDASHEVA DILAFRUZ MAKHAMADALIEVNA

**ANTHROPOCENTRIC STUDY OF ORAL AND WRITTEN TEXTS
PECULIAR TO UZBEK CHILDREN**

10.00.01 – Uzbek language

**DISSERTATIONBSTRACT FOR DOCTOR OF SCIENCES IN PHILOLOGICAL
SCIENCES (DSc)**

Ferghana - 2022

The theme of DSc dissertation is registered by Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministry of the Republic of Uzbekistan under the number №B2021.1.DSc/Fil285

The dissertation has been prepared at the chair of Uzbek linguistics of Ferghana State University.

The abstract of the dissertation is posted in three (Uzbek, English and Russian (Resume)) languages on the website of the Scientific Council (www.fdu.uz) and on the website «ZiyoNet» Information-educational portal (www.ziynet.uz)

Scientific consultant:

Mamajonov Alijon

Doctor of Philological sciences, professor

Official opponents:

Usmanova Khurinisa Sharapovna

Doctor of Philological Sciences, professor

Mengliev Bakhtiyor Rajabovich

Doctor of Philological Sciences, professor

Khudaiberganova Durdona Sidikovna

Doctor of Philological Sciences, professor

Leading organization:


Samarkand state university

Defense of the Dissertation will take place on «10» dekabr 2022, at 10 p.m. at a meeting of Scientific Council DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 under Ferghana State University (Address: 19, Murabbiylar Street, Ferghana, 100151. Tel: (99873) 244-66-02; fax: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

Dissertation could be reviewed information-resource center of Ferghana State University (registration number 186). Address: 19. Murabbiylar Street, Ferghana, 100151, Tel.: (99873) 244-71-28.

Dissertation abstract sent out on «10» 09 2022.

(Mailing report number 56 on «10» 09 2022).



Sh.M.Iskandrova

Chairman of Scientific Council Awarding scientific degree, Doctor of Philological sciences, Professor

M.T.Zokirov

Secretary of Scientific Council Awarding scientific degree, Candidate of sciences, docent

N.M.Ulukov

Chairman of Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degree, Doctor of Philological sciences, Professor

INTRODUCTION

The actuality and significance of the dissertation work.

In world linguistics, the anthropocentric paradigm is a complex set of doctrines and principles that focus on the study of language as a system of open communication, its analysis in relation to other systems such as environment, social environment, culture, and identity, both unilaterally-objectively and collectively-nationally. In this regard, the studies devoted to the text analyses of the anthropocentric paradigm, which unites linguoculturology, cognitive linguistics, psycholinguistics and ethnopsycholinguistics have been developing; thus, the special attention is paid to the children's speech acts, their pragmatic features, deixis, anthropocentric analyses of the children's texts.

The children's folklore, artistic and poetic texts serve as the fundamental bases in enlightening the linguocognitive features of the linguistic units in revealing the linguistic picture of the world in the world linguistics. In particular, the first song of a mother – lullaby considers to be an expression of syncretism, the mother by her song promotes ontogenesis transforming of the “cultural gene” in a child phylogenesis or the text of a riddle leads the child to feeling the world by the word, from the feelings to the thought; thus, revealing the Gnostic task of the language. The tales express the mental image of the people, the concepts that are ingrained in their thinking, and the nationalism is reflected in the children's stories and poems. Thus, the study of oral and written texts from an anthropocentric point of view contributes to the development of the anthropocentric paradigm, revealing the functional potential of language in relation to a person's speech activity, intelligence, social status, age and gender.

In the society of people, where cultural diversity is developing in our country, it has become clear that the development of our language depends on teaching the Uzbek language by the language owner. Just as we have not been able to understand the transition from statistical to dynamic interpretation in linguistics, and the development of language in culture and culture in language, so we have developed the national outlook and thinking of children.

The development of our native language, language policy based on the principles of modern development, sets the task of creating new research on the expression in the text of linguistic units that affect the consciousness of future generations. Also, "... to teach our youth to understand the real art, to form their aesthetic world on a healthy basis"⁵⁸ and "... to show the richness of our native language, our respect and love for

⁵⁸ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустақам пойдеворидир(Ўзбекистон ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувдаги маъруза)// Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2027 йил, 4 август

it by singing our language to the world"⁵⁹, to study texts specific to Uzbek children is worth special attention and an urgent task of modern linguistics.

The dissertation work has been fulfilled according to the PD-5850 of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 21, 2019 "On measures to radically increase the prestige and status of the Uzbek language as the state language", PD-6084 of October 20, 2020 "On measures to further develop the Uzbek language and improve language policy in our country", PD-2909 of April 20, 2017 "On measures to develop the system of higher education in the motherland", PD-3271 of September 13, 2017 "On the development of the system of publishing and distribution of book products, book reading" and in the implementation of the tasks set out in the resolutions "On a comprehensive program of measures to improve and promote the culture of reading", "On the organization of the Ministry of Preschool Education of the Republic of Uzbekistan" and other relevant regulations.

The dependence of research on the priorities of the development of science and technology of the republic. This dissertation was implemented in the priority direction of the development of science and technology of the republic I. "Social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and a democratic state, the development of an innovative economy."

Review of foreign research on the topic of the dissertation⁶⁰. Many scientific institutions around the world are conducting research aimed at anthropocentric study of the text. Oxford University, University of Leeds, University of Nottingham (England), Cambridge University, California State University, Texas University, Ohio State University (USA), American Psychological Association (USA), Vrije Universiteit Amsterdam (Netherlands), Stroudsburg: Association of Computational Linguistics (France), Foreign Languages School, Ludong University (China), New Bulgarian University (Bulgaria), E.Lorand University of Budapest (Hungary), Dublin City University (Ireland), University of Toronto (Canada), Copenhagen Comprehensive anthropocentric research at the University of Groningen, Denmark, Utrecht University (Netherlands), St. Petersburg University, Moscow State University, Moscow Linguistic University (Russia), Vitebsk State University (Belarus), Kazakh National University (Kazakhstan) is being carried out.

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчилари билан суҳбатидан / <https://sputniknews-uz.com>

⁶⁰ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.disercat.com>, cheloveknauka.com, <https://www.sgu.ru>, www.dslib.net, <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/>, <https://www.mdpi.com>, <https://ru.booksc.xyz/>, <https://www.elsevier.com/open-access/open-access-journals>, https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_open-access_journals, <https://paperity.org/>, <https://doaj.org/>, <https://www.springeropen.com/>, <https://www.openaccessjournals.com/>, <https://authorservices.wiley.com/open-research/open-access/browse-journals.html>, <https://authorservices.wiley.com/open-research/open-access/browse-journals.html>, <https://cyberleninka.ru>, <http://philology.snauka.ru>, <https://moluch.ru>, <https://www.academia.edu>, www.philology.ru, <https://periodicos.sbu.unicamp.br>, <https://social.usq.edu.au/uni-lifestyle>, <http://ucrel.lancs.ac.uk/claws/trial.html>, <http://dspace.kpfu.ru/xmlui/handle/net/>, http://m.dissforall.com/_catalog/t13/_s, www.prlib.ru/item/, ilingran.ru/scholars/rumy, <https://core.ac.uk>, <http://dereksiz.org/leksiko-seman> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Major research in the field of linguistics has been conducted in prestigious centers around the world, in particular, the University of California, the University of Harvard (USA); University of Amsterdam (Netherlands); Oxford University Language Center (UK); Wszechnica Polska Szkola Wyzszaw Warszawie (Poland); Universitas Tartuensis (Estonia); Moscow School of Semantics, St. Petersburg State University, Voronezh, Kursk, Petrozavodsk Linguistic Schools, Novosibirsk State University (Russia); Kazakh National University (Kazakhstan); Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi, Research Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore under the Academy of Sciences of Uzbekistan, Samarkand State University, Bukhara State University, Karshi State University, Namangan State University, Karakalpakstan State University are also conducting research.

